

13- Мавзу: Зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин одамларни ўзини тутиш меъёрлари.

Режа:

1. Зилзила бўлишини билдирувчи аломатлар.
2. Зилзиладан олдин, ва зилзиладан кейин одамларни ҳатти – ҳаракатлари.
3. Зилзила вақтида одамларни ўзини тутиш меъёрлари.

Калит сўзлар: Табиий офат, қутқарув хизмати, олдиндан огоҳлантиш, сейсмик бардошли, сейсмик хавф.

Зилзила бўлишини билдирувчи аломатлар

Ўрта- Осиёда тез-тез такрорланиб турувчи табиий офатлардан бири зилзиладир. Тўсатдан бўлган табиий офатлар жуда хавфлидир. Бу ҳолатларнинг олдини олиш ёки маълум даражада камайтириш мумкин. Агар олдиндан огоҳлантирувчи чоралар кўрилган бўлса, бунда вайронгарчиликнинг бўлмаслиги ёки бўлганда ҳам кучсизроқ бўлиши кутилади

Зилзила бўлишини олдиндан билдирувчи аломатлар.

Зилзила бўлишидан хабар берувчи белги ва даракларни барча аҳоли яхши билиб олиши зарур.

- бу илгари об-хавоси тоза бўлган ҳудудларда тўсатдан газ хидининг пайдо бўлиши;
- уй хайвонлари ва қушларнинг ҳаракатидаги нотинчликлар пайдо бўлиши;
- уфқда пайдо бўлган ёруғликнинг тарқоқлиги;
- электр симларининг бир-бирига яқин бўлмаган ва тегиб турмаган тармоқларида учқунлар чиқиши;
- уйларнинг ички деворларида кўкиш ёругланиш;
- кундузги чироқларнинг ер қимирлаши олдиан ўз-ўзидан ёниб кетиши ва бошқаларда намоён бўлади.

Ер силкиниши олдиндан хайвонларнинг ҳам хатти-харакатлари ҳам ўзгаради. Масалан, мушуклар ташқарига чиқиб кетадилар, қушлар ўз уяларидан учиб чиқадиладар, чорва моллари жуда безовта бўлиб қоладиладар.

Фан ва техниканинг ривожланиши сўзсиз ер силкинишини олдиндан башорат қилиш имкониятини беради. Жумладан, юқорида таъкидланганидек ер ости сувларида ер силкинишидан олдин радон газининг миқдорини ошиш қонунини биринчи бўлиб ўзбек олими Г.Мавлонов томонидан аниқланган ва бу қонуният Тошкент зилзиласи оқибатларини ўрганишда ўз тасдиғини топди. Хозирги кунда бу усул билан Республикамизда ва Марказий Осиё давлатларида рўй берган бир неча зилзилалар башорат қилинди ва улар ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистон олимларининг бундай кашфиёти билан қизиққан Америка олими О.Жемс шундай деган эди: «Яқин кунларда ўзбек мутахасислари зилзила ҳақидаги башоратни худди иқлим шароитини башорат қилгандек радио орқали эълон қилиш даражасига етиб борадилар». Лекин бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, ер силкинишини олдиндан башорат қилиш муаммоси ҳали бутунлай ҳал этилмаган. Бунга бирдан-бир сабаб бу масаланинг мураккаблиги, яни заминда ер силкиниш жараёнини вужудга келтирадиган гипоцентр-ўчоқнинг ниҳоятда яширинлиги ҳамда шу ўчоқда йиғилган ва ер силкинишига олиб келадиган энергиянинг ҳамда унинг содир бўлиш қонуниятларини ҳали етарлича билмаслигимиздадир.

Ер силкиниш офатидан муҳофаза қилишнинг бир усули бу олдиндан сейсмактив минтақаларни белгилаш ҳисобланади. Бунинг учун:

Зилзилагача;

1. Сейсмик бардошли иншоотларни лойиҳалаштириш. Биноларни зилзила кучига бардошли қилиб лойиҳалаштириш шарт.
2. Мавжуд иншоотларни мустаҳкамлаш. Эски ва заиф иншоотларда бузилиш хавфи олдини олиш учун мустаҳкамлаш ишлари олиб борилиши шарт.
3. Қутилиш қоидалари ва меъёрлари. Инсонлар хавфсизлигини таъминловчи пухта ўйланган меъёрлар ишлаб чиқилиши ва амал қилиниши шарт.

4.Худудларни сейсмик районлаштириш ва ердан фойдаланишни режалаштириш. Сейсмик хавфнинг манбаи бўлган, ер узилмалари, кўчки тарқалган майдонларда қурилиш ишлари бўлмаслиги қатъий ман этилиши лозим.

5.Табиий офатга тайёргарлик. Қутқарув хизмати тайёргарлиги кучайтирилиши ва юзага келган пайтда ҳаракат қилиш режалари ишлаб чиқилиши лозим.

6.Аҳолига таълим бериш ва машқ қилдириш. Инсонлар зилзила хақида маълумотга эга булишлари ва доимо тайёргарлик чораларини куриб кўйишлари шарт.

7.Суғурта қилиш. Суғурта тизими зилзиладан талофат кўрган объектларни моддий таъминланиш кафолатини бериши лозим.

8.Олдиндан айтиш ва огоҳлантириш. Алоқа воситаларидан умумий ҳолатда берилган маълумот асосида аҳолини дастлабки тайёргарлигини зудлик билан амалга ошириш лозим.

Зилзила вақтида қилинадиган ишлар.

Зилзила содир бўлганда асбоб-ускуналарнинг шикастланиши вайрон бўлишидан сақлаб қолиш:

- алоҳида машина, станок ва аппаратларни асосий бинодан ташқарида айвонларда сақлаш, уларнинг атрофига химоя қобиқлари ва камералари, соябон ва зарб қайтаргич қурилмалар ва бошқа воситалар бўлишини тақозо этади.

Зилзила пайтида киши ўз ҳаракатларини пухта ўйлаб, унга илгаридан тайёргарлик кўрса, одамлар халок бўлиши ва шикастланиш хавфи камаяди.

Агар сиз бинони ташлаб чиқадиган бўлсангиз 15-20 сония вақт кетадиган йўлдан ҳаракатланишни олдиндан белгилаб олинг.

- пайдо бўлган гувиллашлар, деворларнинг ёрилиши, йиқилаётган ашёларнинг овозидан кўркмаслик

- ўз безовта хатти-ҳаракатингиз билан атрофдаги одамларни ваҳимага солмаслик керак

- ишлаб чиқаришда ёки унинг алоҳида бўлимларида (линия, сех, агрегат, печ ва бошқалар) авариясиз ҳолатни яратиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши керак. Бу -ушбу объектларда zilzila оқибатида етказиладиган зарарни камайтиришга хизмат қилади.

Хонада:

- zilzila рўй берганда унинг (ички эшик бўсағасида, устунлар тагида, хона бурчакларида, дераза балкондан узокрокдаги тусиқлар остида) хавфсиз жойларда жон сақлаш мумкин.

Кўчада:

- очик майдонга югуриб ўтишга ҳаракат қилиш. Алоҳида ҳолларда бир қаватли уйлар ва кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватини тарк этиш мумкин.

Мактаб ўқувчилари парта остига яширинишлари, юз ва бошларини химоя этиб, ойна тамондан ўгирилиб олишлари лозим.

Zilzila содир бўлганда гўё биз турган замин худди «бешик» каби тебрангандек бўлади. Тебраниш бир неча минут, кучли zilzila бўлса, бир неча дақиқа давом этиши мумкин. Тебранишдан сиз қурқиб кетасиз, аммо кутиб туришдан бошқа чорангиз юқ. Сиз осойишта ва ақл-заковат билан иш кўрсангиз, шикастланмаслик даражангизни анча юқори қутарган бўласиз. Айниқса, бу осойишталик орқали атрофингиздагиларга ижобий таъсир кўрсатасиз ва улар ҳам сиз каби саросимага берилмасликларига замин тайёрлайсиз.

Сейсмик бардоши кам бўлган, гиштли ва хавфли биноларда бўлсангиз, албатта зудлик билан ташқарига чиқинг. Бунда электр тармоқлари, буюмлар ҳаракатидан огоҳ бўлинг.

Очик жойда бўлсангиз биноларга, электр тармоқларига якин турманг.

Транспортда бўлсангиз очик жойда тўхтатинг, тебраниш ўтиб кетгунча кутинг.

Зилзиладан сўнг қилинадиган ишлар

-зилзила натижасида рухий шикаст топган болаларни ва бошқа барча одамларни тинчлантиришга ҳаракат қилиш

-миш-мишлар тарқатишга йўл қуйманг-табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича тузилган штаб ва маҳаллий бошқармаларнинг кўрсатмаларига қатий риоя қилиш.

-кайта ер силкинишларига доим тайёр туриш, зилзиладан кейинги бир неча соат хавfli ҳисобланади. Шу боисдан икки-уч соат безарурат бино ичига кирманг.

Зилзиладан сўнг:

1.Кутқарув хизмати. Малакали мутахасисларга эга бўлган хизмат кўрсатиш бўлимлари шикастланганларга тез ёрдам кўрсатиши, ёнгинни назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаши ва меъерий турмуш тарзини тиклашлари шарт.

2. Инсонларнинг мустақил ҳаракати, ҳар бир киши нафақат ўзи тўғрисида, балки бошқалар тўғрисида ҳам қайғуриши ва ёрдам бериши лозим.

3. Қурилиш ташкилотлари. Тегишли ташкилотлар электр манбаи, сув тармоғи, транспорт ҳаракатини тиклаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишлари лозим.

4. Моддий ёрдам. Зилзила талофатидан азият чеккан инсонлар, аҳоли ўртасида ҳукумат ёрдами бир хилда бўлишини таъминлашга эришиш лозим.

5. Ижтимоий ёрдам ва ахлоқий тавсия. Жамоат ташкилотлари айрим ва бир гуруҳ шикастланганларга ёрдам кўрсатиш, кучли қурқув ва ваҳима ҳолатига тушиб қолган инсонларга яқиндан маслаҳат ва тавсия беришлари шарт. Шунини унутмаслигимиз керакки, ҳукумат томонидан қанчалик долзарб қарорлар қабул қилинмасин, «кутқарув хизмати» малакали мутахасислар, замонавий техника билан таъминланмасин, фуқаро муҳофазаси сиёсатига, Республика аҳолиси, айниқса вазирлик, идора ташкилот раҳбарлари ёппасига тайёргарликдан ўтмаса, бу тадбирлардан

кутилганидек натижа ва энг мухими хавфнинг олдини олиш, ундан келадиган зарарни камайтириш жуда мушкулдир.

Саволар:

1. Зилзиланинг қандай турларини биласиз?
2. Зилзила даракчилари ҳақида гапириб беринг.
3. Зилзиладан олдинги эҳтиёт чоралари.
4. Зилзила вақтида ҳаракатингиз.
5. Зилзила кучи ва давом этиши бўйича нималарни биласиз?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Christer Pursiainen "Early Warning and Civil Protection When does it work and why does it fail?", Stockholm, Sweden 2008.
2. Friend, Mark A. Fundamentals of occupational safety and health / Mark A. Friend and James P. Kohn.—4th ed. 2007. 596
- 3 Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари,-Т.:Ўзбекистон,1997.
4. Нигматов И., Тожиев М. Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси. Дарслик—Т.:Иқтисод-Молия, 2015, 21 б.

